


НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



ID-картани қандай ва қаердан олиш мумкин

Президентнинг 22.09.2020 йилдаги ПФ-6065-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини жорий этиш чора-тадбирлари белгиланди (Фармон матни «СБХ»нинг мазкур сони ҳужжатлар пакетида берилмоқда).

Эслатиб ўтаамиз, ID-карталари 2021 йилдан бошлаб 2011 йилги намунадаги биометрик паспортлар ўрнига жорий этилади. Бунда биометрик паспорт тизимининг амалдаги инфратузилмасидан фойдаланилади.

ID-картани олиш ва алмаштириш юзасидан кўйидагиларга мурожаат қилиш мумкин:

➢ Ўзбекистон фуқаролари – ўз ихтиёрига кўра хоҳлаган ИИОнинг миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бўлимига (олиш ва алмаштириш учун) ёки давлат хизматлари марказларига (алмаштириш учун);

➢ мамлакатда доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар – доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзилдаги МваФР бўлимига – олиш учун ва ўз ихтиёрига кўра хоҳлаган бундай бўлимларга – алмаштириш учун.

➢ 2020 йил якунига қадар ЯИДХПда ID-картасини олиш учун мурожаат қилиш, электрон навбатга туриш ва онлайн тўловни амалга ошириш имкониятини жорий этишлари керак.

Карта ҳужжатлар қабул қилиб олингандан сўнг

1 иш куни мобайнида расмийлаштириб берилади. ID-картасини расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

Ўзгалар ёрдамига муҳтож қариялар ва ногиронлиги бўлган шахсларга – 15 кун муддатда уларнинг яшаш манзилига борган ҳолда карта расмийлаштирилади ва кўрсатилган хизмат учун қўшимча тўлов ундирилмайди.

Шунингдек, таъкидлаб ўтаемиз:

➢ ID-картасининг бланкасида эгасининг миллати ҳақидаги маълумотлар кўрсатилмасдан ID-картанинг чипига киритилади;

➢ ўз ID-картасини олиш ёки алмаштириш юзасидан ўз вақтида мурожаат қилмаган, яроқсиз ҳолга келтирган ва йўқотиб қўйган тақдирда, жаримага тортилмайди.

Бундан ташқари, ID-карталари боланинг туғилиши ФХДЭ органи томонидан қайд этилиб, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома тақдим қилингандан сўнг ота-онаси, васийлари (ҳомийлари) ихтиёрига кўра расмийлаштирилиши мумкин. Туғилганлик ҳақида

ги гувоҳнома эса ID-картасини олиш учун мурожаат этилганда ФХДЭнинг ягона электрон архиви орқали олиниши мумкин.

Тақрорлаймиз, биометрик паспортлари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс ва чет давлат фуқароларининг яшаш гувоҳномаларини ID-карталарига алмаштириш икки босқичда амалга оширилади:

➢ 2021 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабрга қадар – ихтиёрийлик асосида 16 ёшга тўлганда ҳамда қонунчиликда кўзда тутилган бошқа сабабларга кўра;

➢ 2023 йил 1 январдан 2030 йил 31 декабрга қадар – мажбурий тартибда.


Яъни амалдаги биометрик паспорт ва Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом 2030 йил 31 декабргача ҳақиқийдир. 2011 йилги намунадаги биометрик паспорт 2031 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 23.09.2020 йилдан кучга кирди.

Ўлчовли ёмбилар ва қимматбаҳо тангаларни олиб чиқишга рухсат берилди

Бу Президентнинг «Қимматбаҳо металллар муомаласини тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида (22.09.2020 йилдаги ПФ-6066-сон) назарда тутилган.

Жисмоний шахслар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган қимматбаҳо металллардан тайёрланган ўлчовли



ёмбилар ва Марказий банкнинг қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангаларини мамлакатимиз ҳудудидан ташқарига чекловларсиз олиб чиқиш ҳуқуқига эга бўлишди. Бунда 2 та шарт мавжуд:

➢ тегишли сертификатлар мавжуд бўлиши;

➢ олиб чиқишнинг меъёридан ошган тақдирда – мажбурий равишда йўловчи божхона декларациясини тўлдириш.

Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси Молия вазирлиги тасарруфига ўтказилганлиги муносабати билан Марказий банк ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги туғатилади. Унинг ўрнига МБнинг марказий аппарати тузилмасида Қимматбаҳо металлларни сақлаш

ва улар билан ишлаш хизмати ташкил этилади. У Марказий банк томонидан халқаро резервларни бошқариш операциялари доирасида сотиб олинган ва сотиладиган қимматбаҳо металлларни ҳамда сақланаётган бошқа қимматликларни қабул қилиш, сақлаш, жўнатиш ва ҳисобини юритиш билан шуғулланади. У томондан кўрсатилган мақсадларда фойдаланиладиган бино ва объектлар ўта муҳим объектлар тоифасига киради ва тегишлича муҳофаза қилинади. Марказий банк туғатиладиган Агентликнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Бир ой муддатда ҳудудларга биржа савдоларида сотиладиган қимматбаҳо металлларни етказиб бериш механизмини жорий этишлари керак.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 23.09.2020 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Бўстонликдаги бўш турган объектлар «E-Ijro aukcion» орқали сотилади

Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Бўстонлик туманидаги бўш турган, фойдаланилмаётган ҳамда самарасиз фойдаланилаётган объектлар ва ер участкаларидан самарали фойдаланиш, улар негизда туризм ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор (17.09.2020 йилдаги 560-сон) қабул қилинди.

Ҳужжат Президентнинг 28.08.2020 йилдаги «Бўстонлик туманида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш орқали туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-6053-

сон Фармонини амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қарор билан:
➢ замонавий туризм инфратузилмаси объектларини



Ушбу сонда:

3-БЕТ

Қайси ҳолларда уйга бўлган ҳуқуқ йўқолади

5-БЕТ

Маошни авансда тўлиқ олмоқчиман

6-БЕТ

Ходима декретга кетмоқчи эмас...

8-БЕТ

Қарзимни учинчи шахсдан олмасиз

1-бетда Бўстонликдаги бўш турган объектлар «E-ljro aukcion» орқали сотилади

барпо этиш шарти билан «E-ljro aukcion» электрон савдо майдончаси орқали сотиладиган давлат мулки объектлари рўйхати (1);

➤ замонавий туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш ва инвестиция киритиш шарти билан Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик), молиявий ташкилотлар ва инвесторлар ўртасида тузиладиган уч томонлама ҳамкорлик шартномаси асосида инвесторларга «ноль» харид қийматида сотиладиган давлат мулки объектлари рўйхати (2);

➤ вазирликлар ва идоралар ҳамда давлат улуши мавжуд бўлган ҳўжалик жамиятларига қарашли бўш турган ва хусусий секторга «E-ljro aukcion» электрон савдо майдончаси орқали сотиладиган давлат мулки объектлари рўйхати (3);

➤ Бўстонлик тумани ҳудудида муҳандислик-коммуникация ва экологияни муҳофаза қилиш инфратузилмасини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Давлат қарзига кафолат жамғармаси хизмат кўрсатади

Вазирлар Маҳкамаси 21.09.2020 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги ҳузурда Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича Кафолат жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 573-сон қарорни қабул қилди.

Қарор билан Кафолат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Низом билан қуйидагилар белгиланган:

➤ Кафолат жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари ҳамда улардан фойдаланиш йўналишлари;

➤ давлат қарзи ҳисобига молиялаштирилган лойиҳа ва дастурлар бўйича қарздор ташкилотлар ёки қайта молиялаштирувчи банклар ўз қарз тўловларини вақтида ва тўлиқ амалга оширмаган ҳолатларда мазкур қарздорликни қарздор ташкилотлардан ўндириш шарти билан Кафолат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш амалга оширилади. Бунда Кафолат жамғармаси маблағлари етарли бўлмаган тақдирда қарз Ўзбекистон Давлат бюджетини маблағлари ҳисобига қопланади;

Белгиланишича, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун сотиб олинган объектлар ва ер участкаларига бўлган эгаллик ҳуқуқлари инвесторларга, истисно тариқасида, Тошкент вилояти ҳокимининг алоҳида қарори қабул қилинмасдан расмийлаштириб берилди.

1-3-рўйхатларга киритилган объектларни балансда сақловчи ташкилотлар раҳбарлари бино ва иншоотлар сотилгунга қадар уларнинг ўзгага берилмаслиги ва бутлигини таъминлаш учун шахсан масъул ҳисобланади. Мазкур объектларни сотишдан тушадиган маблағлар (баҳолаш ва хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш харажатларидан ташқари) Тоғли ва олис ҳудудларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

Агентликка бир ой муддатда:

➤ «Чорвоқ» эркин туристик зонаси Дирекцияси ва Бўстонлик тумани ҳокимлиги билан биргаликда

1-3-рўйхатлар бўйича объектларни савдога чиқариш;

➤ Касаба уюшмалари федерацияси, Халқ таълими вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда болалар соғломлаштириш оромгоҳларини самарали бошқариш бўйича таклифлар киритиш топширилди.

10 кун муддатда Бўстонлик туманида дам олиш учун энгил конструкцияли кўчма қурилмалар жойлаштириладиган ер участкалари «Чорвоқ» эркин туристик зонаси дирекциясига олинади, 20 кун муддатда эса улар «E-ljro aukcion» электрон савдо майдончасининг савдоларига қўйилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 18.09.2020 йилдан кучга кирди.

Лола Абдуазимова.

Кафолат жамғармаси ёки Давлат бюджетига қайтарилади.

Давлат қарзи ҳисобига молиялаштирилган лойиҳа ва дастурлар бўйича қарздор ташкилотлар ёки қайта молиялаштирувчи банклар:

➤ ҳар йили кейинги молия йили учун шакллантириладиган бизнес режа ёки харажатлар сметаларида қарз тўловлари билан боғлиқ харажатларни мажбурий равишда назарда тутати;

➤ қарзларни ўз вақтида тўлаш мақсадида қўшимча даромад манбаларини аниқлаштириб боради.

Молия вазирлигига манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 15 ноябрга қадар ушбу қарор мазмунидан келиб чиқиб Бюджет кодексига тегишли ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш топширилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 22.09.2020 йилдан кучга кирди.

Баҳодир Бухорий.

Ипотека кредитларини соддалаштирилган тарзда бериш бўйича тажриба бошланди

Вазирлар Маҳкамасининг «Якка тартибдаги уй-жойларни куриш ва қайта куриш учун ипотека кредити ажратишнинг соддалаштирилган тизимини жорий қилиш тўғрисида» қарори (21.09.2020 йилдаги 576-сон) қабул қилинди.

Ҳужжатни қабул қилишдан мақсад Президентнинг «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини (28.11.2019 йилдаги ПФ-5886-сон) амалга ошириш, шунингдек ипотека кредити ажратишни соддалаштириш ҳисобланади.

Ҳужжатга асосан, Андижон вилоятининг Андижон шаҳри, Қўрғонтепа ва Шаҳрихон туманларида «Ипотека-банк» АТИБ ва «Қишлоқ курилиш банк» АТБлар томонидан аҳолига ипотека кредитлари ажратишда тажриба тариқасида:

➤ миқознинг танловига кўра, ҳўжалик усулида якка тартибдаги уй-жойларни куриш учун ипотека кредити қарз олувчининг банк пластик картчасига босқичма-босқич ўтказиш йўли билан ажратилишига;

➤ курилиш даври учун 6 ой имтиёзли давр белгиланишига;

➤ кредитнинг мақсадли ишлатилишини банк ва қарз олувчи ўртасида дастлаб имзоланган уй-жой

курилишини бажариш режа-жадвали асосида бажарилган ишлар сифатида қабул қилишига;

➤ кредит ажратиш учун якка тартибдаги уй-жойларнинг тегишли лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда асосий турдаги курилиш материаллари қиймати асос сифатида қабул қилинишига;

➤ якка тартибдаги уй-жойларнинг молиявий смета ҳисоб-китобининг 10% миқдориди бошлангич бадал сифатида қарз олувчининг маблағлари, мавжуд курилиш материаллари, ишчи кучи ва бажарилган курилиш-монтаж ишлари қабул қилинишига рухсат берилди.

➤ қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини ҳисоблашда куйидагиларни инобатга олишига:

➤ даромадлари тўғрисида камиди охириг 3 ой учун иш жойидан берилган маълумотномалар;

➤ иш берувчи томонидан берилган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар;

➤ пенсия тўловлари;

➤ фоизлар;

➤ дивидендлар;

➤ мол-мулкни ижарага беришдан олинган доимий тарздаги даромадлар;

➤ халқаро пул ўтказмалари тизими орқали келиб тушган маблағлар;

➤ қонунчиликда тақиқланмаган бошқа даромадлар;

➤ кредитнинг мақсадли ишлатилишини банк ва қарз олувчи ўртасида дастлаб имзоланган уй-жой курилишини бажариш режа-жадвали асосида бажарилган ишлар сифатида қабул қилишига;

➤ кредит ажратиш учун якка тартибдаги уй-жойларнинг тегишли лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда асосий турдаги курилиш материаллари қиймати асос сифатида қабул қилинишига;

➤ якка тартибдаги уй-жойларнинг молиявий смета ҳисоб-китобининг 10% миқдориди бошлангич бадал сифатида қарз олувчининг маблағлари, мавжуд курилиш материаллари, ишчи кучи ва бажарилган курилиш-монтаж ишлари қабул қилинишига рухсат берилди.

«Ипотека-банк» АТИБ ва «Қишлоқ курилиш банк» АТБга мазкур механизмдан келиб чиққан ҳолда, ўзининг ички низомларига тегишли ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш тавсия этилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 21.09.2020 йилдан кучга кирди.

Лола Абдуазимова.

УШБҮ СОНДА

● **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этишимиз
1-3-бетлар

● **ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ**
– Квартирага бўлган ҳўқуқдан маҳрум қилиш
– Бирхиллаштириш керак
3-бет

● **ЮРИСТ МАСЛАҲАТИ**
– ТМҚни олувчидан паспорт нусхасини талаб қилиб олиш қонунийми?
● **СИЗНИНГ ҲўҚУҚИНГИЗ**
– Истеъмолчилар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш борасида нималар қилинмоқда
– Иш ҳақини аванс билан тўлаш
– Шифокор хатосини суд белгилайди
4-бет
5-бет

● **КАДРЛАР БўЛИМИ**
– Ходима декретга кетмасдан ишламоқчи бўлганда нима қилиш керак
– Патентга бўлган ҳўқуқ
– «Бола» пулининг миқдори
– Доимий муассаса учун ходимлар
– Иш ҳақи бўйича қарзни қайтариш
6-7-бетлар

● **ҲўЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ**
– Кечиктирилганлик учун пеня
– Тўлиқ шакллантирилмаган УФни камайитириш
– Қарзни ҳўқуқий ворис сўндиради
– Нотўғри реклама учун жавобгарлик
– Ишончномани тўлдиришга бўлган талаб
8-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davry nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 16.09.2020 йилдаги 557-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларини кўриб чиқишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон фуқаролигини олиш онлайн-режимга ўтказилади

ИИВ, ТИВ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда ДХХ «Паспорт-виза» автоматлаштирилган ахборот тизими мажмуасини модернизация қилиш орқали «Е-Ўқога» Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига оид идораларо маълумотлар базасини жорий этди. У тегишли давлат органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш, ҳужжатларни ва маълумотларни киритиш, ҳисобга олиш ҳамда мониторинг қилиш мақсадида шакллантирилган.

Ушбу маълумотлар базаси асосида энди:

- фуқаролик масалалари бўйича аризаларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш билан боғлиқ тартиб-таомиллар автоматлаштирилади;
- фуқаролик масалалари бўйича тушган аризалар идораларо электрон ҳамкорлик йўли билан манфаатдор вазирликлар ва идоралар ўртасида кўриб чиқилади ҳамда уларга тегишли муносабат билдирилади;
- фуқароликка қабул қилиш, уни тиклаш, ундан чиқиш ва уни йўқотиш бўйича ягона маълумотлар базаси шакллантирилади.



«Е-Ўқога» маълумотлар базасига маълумотлар киритиш ҳамда идораларо ўзаро электрон ҳамкорлик орқали айирбошланган маълумотлар схемаси тасдиқланди. Шунингдек, «Е-Ўқога» ИМБни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш, ундан чиқиш ҳақидаги аризалар реал вақт режимида «Е-Ўқога» орқали қабул қилинади.

ИИВга ДХХ, Мудофаа вазирлиги, ТИВ, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, ДСҚ, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда алмашинадиган маълумотларни янгилаб бориш, олиш ва беришда фойдаланиладиган ахборот тизимларини «Е-Ўқога» ИМБ билан ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш юкланди.

ИИВ Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда фуқаролик масалалари бўйича аризаларни кўриб чиқиш учун зарур бўлган давлат божи тўловлари, давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун давлат божлари ва йигимлари тўланишини «Электрон ҳукумат»нинг ягона биллинг тизими орқали таъминлайди.

2021 йил 1 январга қадар Ўзбекистон ҳудудига фуқаролик масалалари бўйича мурожаатларни ЯИДХП орқали бериш механизми жорий этилади. Хориқда доимий истиқомат қилаётган шахслар эса ТИВ сайтида жойлаштирилган интерактив консуллик хизмати орқали кейинчалик шахсан келиб мурожаат қилиш шартини инобатга олган ҳолда мурожаат қилишлари мумкин.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 17.09.2020 йилдан кучга кирди.

Мирёқуб Ҳайдаров.

Квартирага бўлган ҳуқуқдан маҳрум қилиш

Квартирада туғилганимдан бери яшайман. Тепа қаеватдаги квартирада мулкдор 10 йилдан буён яшамайди.

Қонун ҳужжатларида узоқ муддат давомида квартирада ҳеч ким истиқомат қилмаган ҳолатларда мулкдор мулкчилик ҳуқуқини йўқотадиган регламентлар мавжудми? Шундай бўлса, қандай шарт-шароитлар бунга сабаб бўлиши мумкин?

– Уй-жойга бўлган мулкчилик ҳуқуқи куйидаги ҳолатларда йўқотилиши мумкин:


- мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув учун мурожаат қилинганда (ФК 199-м.);
- Национализация қилинганда - ҳақ тўлаш асосида қонун ҳужжатларида мувофиқ давлат ихтиёрига ўтказишда (ФК 202-м.);
- реквизиция қилинганда - табиий офатлар, авариялар ва бошқа вазиятларда қийматини тўлаган ҳолда мол-мулк олиб кўйилганда (ФК 203-м.);
- мусодара қилинганда – мол-мулк суднинг қарорига мувофиқ жиноят ёки ўзга ҳуқуқбузарлик қилганлик учун ҳақ тўламасдан олиб кўйилганда (ФК 204-м.);
- давлат органининг қарорига кўра – мулк ҳуқуқининг бекор қилинишига қонунларда белгиланган ҳоллар ва тартибдагина йўл қўйилади, бунда мулкдорга олиб кўйилган мол-мулкка тенг қимматли мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида берилади ва унинг кўрган бошқа зарарлари тўланади (ФК 206-м.).

Уй-жой хусусийлаштирилмаган ва ижарага берилган бўлса, ижара шартномаси кейинчалик чиқариб юбориш билан куйидаги ҳолатларда бекор қилиниши мумкин:

- агар турар жой доимий яшаш учун яроқсиз бўлиб қолса, шунингдек у авария ҳолатида бўлса;
- агар турар жой жойлашган уй бузилиши керак бўлса;
- агар шартномада узоқроқ муддат белгиланган бўлмаса, ижарага олувчи 6 ойдан ортиқ муддат учун турар жой ҳақини тўламаса, қисқа муддатли ижарада эса, шартномада белгиланган тўлов муддатини ўтказиб 2 мартадан ортиқ тўламаса;
- ижарага олувчи ёки хатти ҳаракатлари учун ижарага олувчи бўлса ёхуд шикастлантурса. Турар жойни ижарага олувчи ёки хатти-ҳаракатлари учун ижарага олувчи жавоб берадиган бошқа фуқаролар турар жойдан ўз мақсади бўйича фойдаланмаётган бўлса, ёхуд турмуш қоидаларини мунтазам бузаётган бўлса, ижарага берувчи ижарага олувчини огоҳлантириши мумкин ва бу талаблар бажарилмаганда турар жойни ижарага бериш шартномасини суд тартибида бекор қилишга ҳақлидир (УЖК 69-м. 4, 5-қ.).

Бундан ташқари, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек бино эгалари томонидан уй-жой ва нотурар жой бинолари берилган шахслар томонидан давлатга хоинлик қилиш, конституциявий тузумга, Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш, кўпуровчилик, терроризм, босқинчилик талончилик, қасддан одам ўлдириш ҳамда бошқа ўта оғир ва оғир жиноятлар содир этиш ҳоллари аниқланган тақдирда, ушбу бинолар тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг суриштирув ва тергов органлари қарори бўйича улар ўзгаларга берилмаслиги учун хатланади. Айбланувчининг жиноят содир этишдаги айби исботланган бўлса, у ушланган ёки қидирувда бўлса, шунингдек айблов ҳукми қонуний кучга киргандан кейин ушбу уй-жой ва нотурар жой бинолари белгиланган тартибда давлат даромадига мусодара қилинади (ВМнинг 1.03.1999 йилдаги 93-сон қарори 1-банди).

Қўшнингиз – чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида уй-жой сотиб олинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига



(27.02.1999 йилдаги 92-сон) мувофиқ уй-жойнинг эгаси ҳисобланган, яшаш жойида бўлмаган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан коммунал хизматлар ва уй-жойдан фойдаланиш харажатлари учун узоқ вақт давомида (12 ойдан ортиқ) ҳақ тўламанган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига кўра коммунал хизматлар ва уй-жойдан фойдаланиш харажатларига ҳақ тўлаш юзасидан қарзларни ундириш масаласини ҳал қилиш учун уй-жой белгиланган тартибда хатлаб қўйилади.

Бирхиллаштириш керак

Йирик компанияда кадрлар бўлими ходими бўлиб ишлайман. Ходимларимиздан бирига виза олиш учун ҳужжатларни тайёрлашда ҳужжатлар таржимаси ва апостиль қўйиши талаб этилди. Бироқ унинг бу вазифасини ўлим ҳақидаги гувоҳномасида исм қисқартирилган вариантда (Лена), унинг онасининг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасида «онаси» деган устунда эса исм тўлиқ (Елена) ёзилган экан.

Бувининг ўлим ҳақидаги гувоҳномасига ўзгартиришни қандай киритиш мумкин?

– Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларига ўзгартиришлар, тузатишлар ва қўшимчалар етарли асослар мавжуд бўлганда ва манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлмаганда, ушбу ёзувлар сақланаётган жойдаги, агар улар Ўзбекистон ҳудудига тузилган бўлса, ФХДЭ органи томонидан киритилади (Қоидаларнинг 148-б., ВМнинг 14.11.2016 йилдаги 387-сон қарорига 1-қисмга).

Ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувида тузатишлар киритиш яқин қариндош ёки меросхўрнинг аризасига кўра, шу жумладан куйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

➢ далолатнома ёзувларида имловий хато ва ноаниқликлар бўлганда, шунингдек туғилган вақти, жойи ва отасининг исми ҳақидаги ёзув мавжуд бўлмаганда;

➢ далолатнома ёзувида исми қисқартириб ёки эркатлиш шаклида ёзилган бўлса.

Далолатнома ёзувида ўзгартиришлар, тузатишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ариза ФХДЭ органи томонидан, ариза тушган кундан бошлаб 15 кун мобайнида кўриб чиқиши керак.

Узрли сабаблар (ўзгартириш киритиш зарур бўлган ёзувлар нусхалари олинмаганда ва бошқа ҳолларда) мавжуд бўлганда, аризани кўриб чиқиш муддати 1 ойгача узайтирилиши мумкин (Қоидаларнинг 149-б.).

Ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги аризага ариза берувчининг илтимоси асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари: унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси (ксеронусхаси) ва бошқа зарур ҳужжатлар нусхалари илова қилинади. Улар билан бирга йиғмажилдга ўзгартиришни талаб қиладиган гувоҳномаларнинг асл нусхалари тикиб қўйилади (Қоидаларнинг 151-б.).

Санжар Ҳўжаҳмедов, «Норма» МЧЖ эксперти.

ТМҚни олувчидан паспорт нусхасини талаб қилиб олиш қонунийми?

Сотувчи олди-сотди ёки етказиб бериш шартномалари бўйича товарни бераётганда харидордан муайян ҳужжатлар пакетини тақдим этишни талаб қилади. Бироқ, амалиётнинг кўрсатишича, «зарур» ва «етарли» пакет, сотувчининг фикрича, турли хил тушунчалардир.

ТМҚни олувчидан паспорт нусхасини талаб қилиб олиш қонунийми, «Norma» компаниясининг юридик масалалар бўйича экспертлари Альберт САФИН ва адвокат Элеонора МАЗУРОВА шу ҳақда гапириб бердилар:

– Сотувчи–корхона юридик шахсларга товарларни реализация қилиш чоғида қуйидагиларни сўраб олади: иккала тараф имзолаган шартнома, юридик шахс рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома, ТМҚни олишга ишончнома, номига ишончнома ёзиб берилган олувчининг паспорт нусхаси. Ушбу рўйхатда харидор тақдим этиши шарт бўлмаган ҳужжат мавжуд, сабаби биронта норматив ҳужжатда бундай талаб қайд этилмаган. Бунда ТМҚни олувчининг паспорт ксеронусхаси ҳақида сўз бормоқда.

Фирибгарлар бировларнинг паспорт маълумотларидан ғаразли ниятда фойдаланганликлари ҳақида кўп эшитган одамлар, жуда зарур бўлмаса, ўз паспорт ксеронусхаларини қолдиришдан хавфсирашлари табиий ҳол. Сўнги пайтларда сотувчилар паспорт ксеронусхасини қолдиришни сўрамоқдалар, харидорлар эса бундан бош тортмоқдалар.

Сотувчи–корхона номига ишончнома ёзиб берилган мижознинг паспортдан нусха талаб қилиб олишга ёки олишга ҳақлими? Бу қайси норматив ҳужжатда назарда тутилган? Ушбу саволларга жавоб беришга уриниб кўрамиз.

Ишончли шахс паспорт нусхасини тақдим этишга мажбурми?

Ишончноманинг икки хил шакли (ёзма ва электрон) мавжуд, ташкилотлар улардан биттасини танлашлари мумкин. Иккала шаклда ишончли шахснинг паспорт серияси ва рақами назарда тутилган (4-сон БҲМСга 1, 2-илова, АВ рақами 3259, 30.06.2020 й.).

Қонун ҳужжатларида етказиб берувчининг ишончномада кўрсатилган ишончли шахснинг паспорт маълумотларини унинг паспорти билан солиштириш ва паспортни тақдим этмаган тақдирда ТМҚни беришдан бош тортиш ҳуқуқи назарда тутилган (4-сон БҲМС 101-б. 4-хатбоши). Бухгалтерияга келиб тушадиган бирламчи ҳужжатлар шакли ва мазмуни бўйича мажбурий тартибда текширилишини биламиз (Низом 15-б., АВ рақами 1297, 14.01.2004 й.).

Электрон ишончнома, ишончли шахснинг имзо намунаси қўйилишини истисно этганда, худди қозғодагиси сингари шаклларга мувофиқ расмий-

лаштирилади (4-сон БҲМС 95-б. 2-хатбоши, 96-б. 6-хатбоши). Шу боис ишончнома бўйича ТМҚни беришни рад этиш сабаблари электрон шаклга ҳам тааллуқли.

Қонун ҳужжатларида ишончли шахснинг паспортдан нусха олиш зарурлиги назарда тутилмаган. Бироқ товар берилаётган шахсдан паспорт нусхасини талаб қилиб олиш мақсадга мувофиқ саналади. Солиқ текширувида контрагент билан боғлиқ низоли вазиятлар юзага келган тақдирда ушбу нусха товар тўғри берилганини исботлайди.

Бирламчи ҳужжатларга ишончли шахснинг паспорт нусхаси тиркаб қўйилишини битим тарафлари ўртасида муайян давр давомида юзага келган иш муомаласи одатлари сирасига киритиш мумкин. Иш муомаласи одати қонун ҳужжатида акс эттирилганлиги ёки акс эттирилмаганлигидан қатъи назар қўлланилиши мумкин (ФК 6-м. 1-қ.).

Бундай амалиёт қанчалик ўзини оқлайди, юристлар бу борада турлича фикр билдирадилар.

Баъзилари бу низоли вазиятлардан қочиш ва товар ишончли шахсга берилганининг ҳужжатли тасдиғига эга бўлиш имконини берадиган қарор топган амалиёт деб ҳисоблайдилар.

Шартнома лойиҳасини тайёрлаш босқичида ишончли шахс ўз паспорт нусхасини тақдим этган тақдирдагина унга ТМҚни бериш тўғрисидаги бандни киритишни тавсия этиш мумкин. Ёхуд – шартномага қўшимча келишув тузиш йўли билан тегишли бандни киритишни. Тарафларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай шартнома шартларини аниқлашда эркин эканлиги шартномага ушбу шартни киритиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин (ФК 1-м. 2-қ.).

Бошқалари бундай талаб инсоннинг ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланишдек конституциявий ҳуқуқини бузди деган фикрдалар (ЎзР Конституцияси 27-м.).

Шартномага бундай бандлар киритилса, у қонунга зид бўлган шартларни ўз ичига олган бўлади. Маълумки, шартноманинг бундай бандлари суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Шу сабабли товарни бераётган тараф ТМҚни олишга ишончномада кўрсатилган харидордан паспортнинг асл нусхасини талаб қилиб олиб, ундаги маълумотларни ишончномада кўрсатилган маълумотлар билан солиштириш, бироқ бунда паспортдан нусха олмаслик ҳуқуқига эга.

Шахсга доир маълумотлар – муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган, электрон тарзда, қозғода ва (ёки) бошқа моддий жисмда қайд этилган ахборот («Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонун 4-м.).

Қонунга кўра, шахсга доир маълумотлар – жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ҳар қандай ахборот бўлгани боис, бошқа инсонлар ҳақида маълумотлар оладиган ва улардан фойдаланадиган ҳар ким шахсга доир маълумотлар операторига айланади ва у ушбу маълумотларни ҳимоя қилиш

тўғрисидаги қонун талабларига риоя этиши шарт. Инсон ҳақидаги ахборотга унинг розилигисиз ишлов бериш, уни сақлаш ва тарқатиш тақиқланади (Қонун 14, 18-м.).

Бунда «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонуннинг амал қилиши жисмоний шахс томонидан шахсга доир маълумотларга шахсий, маиший мақсадларда ва ўз касбий ёки тижорат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлов беришга нисбатан татбиқ этилмайди (Қонун 3-м.). Етказиб берувчидан товарни олиш эса тижорат фаолияти ҳисобланади, демак, мазкур Қонун таъсири остига тушади.

Паспорт маълумотларининг ошкор бўлиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкин

Жисмоний шахс номига кредит ёки микрозаём расмийлаштиришлари мумкин. Фирибгарлар пулга эга бўладилар, қарзни қоплаш мажбурияти эса паспорт эгасининг зиммасига юклатилади. Бундай кредит юзасидан судда низолашиш мумкин, албатта, бироқ бу вақт ва асаб кетказганга арзирмикан.

Бир кунлик фирма муассисига айланиш мумкин. МЧЖ, ХКни рўйхатдан ўтказиш ёки ХКни очиш учун паспорт маълумотларининг ўзи етарли. Пулларни ҳалоллаб олиш ва атайин ёки сохта банкротликни уюштириш учун бир кунлик фирмалардан фойдаланадилар, бунинг учун жавобгарлик муассис зиммасига юклатилади.

Ноқонуний молиявий операцияларни амалга ошириш учун ҳам паспорт маълумотларидан фойдаланишлари мумкин. Айрим тўлов тизимларида чекловларни олиб ташлаш учун паспорт фотосуратини кўрсатишнинг ўзи kifоя. Бу ҳолда паспорт эгаси ноқонуний савдо ёки терроризмни молиялаштириш ишлари иштирокчисига айланиш хавфи остида қолади.

Паспорт эгаси номига IMEI бўйича янги уяли алоқа телефонини рўйхатдан ўтказишлари, у эса бу ҳақда умуман билмаслиги мумкин.

Қандай қилиб ҳимояланиш мумкин

Паспорт маълумотларини фақат сигналган одамлар ва компанияларга, ҳақиқатан ҳам паспорт зарур бўлган тақдирда тақдим этинг. Масалан, квартирани ижарага олиш шартномасини расмийлаштираётганда ёки банкдан кредит олаётганда усиз ишни битириб бўлмайди. Товарни ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан харид қилмаётган бўлсангиз ҳам, дўкондагилар паспорт нусхасини сўраётган бўлсалар, уларга рад жавоби берганингиз маъқул.

Паспортнинг барча саҳифаларидан нусха олишларига йўл қўйманг. Одатда биринчи саҳифаси ва прописка қайд этилган саҳифаси етарли бўлади.

Паспорт нусхасини тақдим этиш зарурлиги сизда шубҳа уйғотса, имкони бўлса, нусхасига у қайси фирма учун олинганини ёзиб қўйинг. Ёхуд қандайдир маълумотлар, масалан, имзонигизни ўчириб ташланг ёки устига чизиқ тортинг.



Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида нималар қилинмоқда

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг вазифаларидан бири истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳисобланади. Агентлик директори ўринбосари Аъзамжон Қурбонов қандай НХҲлар ишлаб чиқиётганлиги ва қайсиларининг такомиллаштирилиши режалаштирилаётгани ҳақида сўзлаб берди.

– Агентлигимиз ташкил этилганидан кейин ўтган йил давомида 12 та НХҲ лойиҳаси, шу жумладан 6 та янги ҳужжат ишлаб чиқилди. Бироқ илгари ишлаб чиқилган ва эскириб қолган амалдаги НХҲлар ҳам талайгина. Уларни такомиллаштириш истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги тизимли муаммоларни ҳал этиш учун шарт-шароит яратиб беради.

Янги ҳужжатлар лойиҳалари тармоқларни ўрганиш, истеъмолчилар орасида ўтказилган сўровлар ва уларнинг мурожаатлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади. Хусусан, улар қуйидаги жиҳатларни қамраб олади:

➢ истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга ва стандартларга мувофиқлигини аниқлаш (экспертиза қилиш) учун чакана савдо объектларида халқ истеъмоли товарларининг «назорат хариди»ни ташкил этиш;

➢ аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни тартибга солиш;

➢ фармацевтика маҳсулотининг «сирли харидори» мониторингини ўтказиш;

➢ НХҲ ва улар лойиҳаларининг истеъмолчиларга таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш;

➢ нодавлат таълим муассасалари томонидан пуллик хизматларни кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш;

➢ пуллик тиббий хизматларни кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш.

Қўпинча монополист корхоналар томонидан ҳужжатларни ишлаб чиқишда истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳисобга олинмаган, фуқароларнинг кўп сонли мурожаатлари шундан далолат беради. 2020 йил 28 май куни мамлакатимиз Президенти иштирокида бўлиб ўтган мажлисда ҳам бу ҳақда сўз юритилган. Бугунги кунда Агентлик томонидан 16 та тармоқда амал қилаётган 86 та қонун, шунингдек 32 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси хатловдан ўтказилган ва улар бўйича тавсиялар берилган.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг бир йиллик фаолияти давомида истеъмолчилардан 12 мингга яқин шикоятлар келиб тушган, улардан 36,6%и савдо, умумий овқатланиш ва туризм соҳасига, 28,8%и уй-жой-коммунал хўжалиги ва транспорт соҳасига, 20,5%и ижтимоий ва банк хизматларига тааллуқли ҳамда 14,1%ида рекламадан норозилик ифодаланган.

Маълумот учун: 3 та соҳада (транспорт, савдо ва алоқа) хизматлар кўрсатиш даражаси қониқарли ёки қониқарли эмаслиги юзасидан 10 мингга яқин истеъмолчилар орасида сўров ўтказилган. Сўровда иштирок этган истеъмолчиларнинг 71,2%и алоқа, 58,9%и савдо соҳаси ҳамда 52,5%и жамоат транспорти фаолияти даражаси қониқарли эмаслигидан норозилик билдирганлар.

Янги қурилган уй-жойлардаги квартираларни сотиш чоғида шартномалар тузишда, автолизингда, банк хизматларини тақдим этишда, шунингдек газ ва электр энергиясини ҳисобга олувчи приборларни ўрнатилганда истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилган.

Истеъмолчиларнинг хабардорлик даражасини ошириш мақсадида мамлакатдаги 476 та савдо марказида ва бозорларда «истеъмолчилар бурчига» ташкил этилган, 51,5 минг савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида маълумотлар стендлари ўрнатилган.

Пола Абдуазимова.



Корхонанинг айрим ходимлари оилавий шароитга кўра ёки кредитларни ойнанг ўртасида тўлаш зарурати туфайли бир ой учун иш ҳақини аванс билан беришни сўрашяпти. Аванс берилганда бутун иш ҳақини ходимларга тўлаш мумкинми?

Иш ҳақини аванс билан тўлаш

– Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномасида ёки бошқа норматив локал ҳужжатда белгиланади ҳамда ҳар ярим ойда камида 1 марта амалга оширилиши лозим (МК 161-м.).

Аванс миқдори қонун ҳужжатларида чекланмаган. Уларнинг фоизи жамоа шартномасида белгиланади. Аванс тўлашда ЖШДС ушлаб қолинмайди. ЖШДС ой якунлари бўйича ҳисобланган иш ҳақидан ушлаб қолинади (СК 388-м. 6-қ.). Иш ҳақи суммаси иш вақтинини ҳисобга олиш табиели, ишбай иш ҳақи бўйича нарядлар ва бошқалар асосида ҳисобланади. Шунингдек ходим ой тугагунига қадар ишдан бўшаши, бетоб бўлиб қолиши, ишга сабабсиз келмай

қолиши ёки бирор-бир бошқа сабабларга кўра ой тугагунига қадар ишлаб бермаслиги мумкин. Ушбу хатарларга рози бўлган корхона аванс билан тўлаши мумкин, бунда мўлжалланган иш ҳақини ЖШДСни чегириб қолинади, акс ҳолда ой якунлари бўйича солиқни ушлаб қолиш имкони бўлмайди.

Амалиётда ходимларга бирор-бир эҳтиёжлари учун пул зарур бўлиб қолганда, корхоналар томонидан уларга қарз берилади. Ходимларни молиялаштиришнинг ушбу усулидан фойдаланишни тавсия қиламиз.

Азизахон Тошхўжаева,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Шифокор хатосини суд белгилайди



Фуқаро «А» касалхонада вафот этди. Унинг турмуш ўртоғи касалхона ходимларидан шубҳаланиб, аёлининг касаллик тарихини беришларини талаб қилляпти.

У касаллик тарихини талаб қилишга ҳақлими?

– Йўқ, ҳақи эмас. Бундай вазиятда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки судга мурожаат қилиш лозим.

Фуқароларнинг тиббий ҳужжатлари га киритилган маълумотлар, тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, унинг соғлигининг ҳолати, касаллигига қўйилган ташхис хусусидаги ҳамда уни текшириш ва даволаш давомида олинган бошқа маълумотлар шифокор сирини ташкил этади.

Шифокор сирини ҳисобланган маълумотларни фуқаро ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз беришга қўйидаги сабабларга кўра йўл қўйилади:

➢ аҳволи оғирлиги сабабли ўз хоҳиш-иродасини билдира олмайдиган фуқарони текшириш ва даволаш мақсадида;

➢ юқумли касалликлар тарқалиши, яппи заҳарланиш ва зарарланиш хавфи таҳдид солганда;

➢ тергов ёки суд текшируви ўтказилиши муносабати билан суриштирув ва тергов органларининг, прокуратура ва суднинг сўрови бўйича;

➢ 14 ёшга тўлмаган вояга етмаган шахсга ёрдам кўрсатилаётганда унинг

ота-онаси ёки қонуний вакилларини хабардор қилиш учун;

➢ фуқаронинг соғлигига ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар ёки бахтсиз тасодиф натижасида зарар етказилган деб гумон қилишга асослар мавжуд бўлганда.

Шифокор сирини ҳисобланган маълумотлар берилган шахслар шифокор сирини ошкор қилганлик учун Қонунга мувофиқ тиббиёт ва фармацевтика ходимлари билан баб-баравар жавобгар бўладилар («Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 25, 45-моддалари).

Шу тариқа, қариндошлар беморни нотўғри даволаганликда шубҳа қилишганда беморнинг касаллик тарихининг турмуш ўртоғига берилмайди. Мазкур ҳолатда тиббиёт муассасаси ходимларининг нотўғри даволаш ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган қариндоши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёки судг тегишли ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

Нурали Нурмухамедов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Ходима декретга кетмасдан ишламоқчи бўлганда нима қилиш керак

Хусусий ташкилот ходимаси ҳомиладорлик ва туғиш бўйича касаллик варақасини келтирди, бироқ туққунига қадар ишлашни давом эттирмоқчи эканлигини маълум қилди. У туққанидан кейин икки ой ўтгач ишга чиқишни режалаштираётган экан, бунда болани парваришlash нафақасини ҳам олиш нияти бор. Иш берувчи ходиманинг бу илтимосини қаноатлантиришга ҳақлими? «Норма» компаниясининг меҳнат ҳуқуқи бўйича эксперти Ленера Хикматова ушбу вазиятни тушунтириб берди.

– Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича меҳнатга лаёқатсизлик варақаси (ёки норасмий айтадиган бўлса касаллик варақаси) ҳомиладорликнинг 30-ҳафтасида 126 календарь кунга берилади (*Йуриқнома 27-б. 1-хатбошиси, АВ рақами 2667, 17.04.2015 й.*).

Аёл ҳомиладорликнинг 30-ҳафтасидан кейин касаллик варақаси олиш учун мурожаат қилганда, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси туғишгача неча кун қолганлигидан қатъи назар, тўлиқ 126 календарь кунга берилади (*Йуриқнома 28-б. 4-хатбошиси*).

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили амалиётда одатда «декрет» таътили ёки «декрет» деб аталадиган таътил 70 календарь кун ва туққанидан кейин 56 календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда - 70 календарь кун) муддати билан берилиб, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақа тўланади (*МК 233-м. 1-қ.*).

Бундай нафақа тайинлаши ва тўланиши учун меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асос бўлади (*Низом 40-б., АВ рақами 1336, 8.05.2002 й.*). Тегишинча, «декрет» таътили меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асосида расмийлаштирилади. Бирор-бир ҳужжатларнинг тақдим этилиши, хусусан, ходиманинг «декрет»га кетиш истаги акс эттирилган таътилга чиқишга ариза бериши (болани парваришlash таътилига чиқиш сингари) қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган.



Ижтимоий таътиллarning барча турлари жумласига ҳомиладорлик ва туғиш таътили ҳам киритилади ҳамда напурада фойдаланилади, уни пуллик компенсация билан алмаштириб бўлмайди (МК 149-м., 151-м. 3-қ.).



Шундай вазиятлар ҳам бўладики, ходима ҳомиладорлик муддатини яширади, охириги муддатгача касаллик варақасини олиб келмайди ва ҳомиладорликнинг 30-ҳафтасидан кейин ҳам ишлашда давом этади. Албатта, бундай ҳолатда иш берувчи айбдор бўлмайди ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш таътилинини ўз вақтида расмийлаштирмаганлиги учун жавобгарликка тортилмайди. У ходиманинг ҳомиладорлик муддатини унинг кўринишига қараб аниқлаш олмайдми, шу боис касаллик варақаси тақдим этилмагунга қадар декрет таътилинини расмийлаштириш олмайдми.

Ходима касаллик варақасини иш берувчига тақдим этганидан сўнг таътил расмийлаштирилиши шарт. Дарвоқе туғруққа қадар ҳақиқатда фойдаланилган



кунлар сонидан қатъи назар, таътил тўлиқ тақдим этилади (*МК 233-м. 2-қ.*). Ҳатто ҳомиладор ходима туғиш арафасида касаллик варақасини келтирган бўлса, унга барибир 126 кундан кам бўлмаган муддатга (туққунига қадар – 70 кун ва туққанидан кейин – 56 ёки 70 кун) таътил берилади. Кўпинча хусусий компаниялар ноёб ходимани йўқотмаслик учун, ҳатто касаллик варақаси мавжуд бўлганда ҳам унга туққунига қадар ишлашга рухсат берадилар.

Бироқ касаллик варақаси бежизга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси деб аталмайди, у ходима муайян вақт соғлиги туфайли ишлаш олмаглигини ва тегишинча иш ҳақи ололмаглигини аниқлатади. Нафақа эса бундай даврда ходимани моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида тайинланади. Бунинг устига иш берувчи ҳомиладор ходиманинг ишда бўлиши ўзига яраша хавф туғдиришини ва бу ҳолат унинг соғлиги учун хатарли бўлиши мумкинлигини ёддан чиқармаслиги керак. Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси мавжуд бўлганда ҳомиладор ходиманинг ишлашига рухсат берганлиги учун компания раҳбари МЖТКнинг 49-моддаси бўйича меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Шунингдек эслатиб ўтиш жоизки, ҳомиладор ходима декретга чиққунига қадар иш берувчи унинг меҳнатини энгиллаштирувчи чора-тадбирларни қабул қилиши лозим. Ҳомиладор ходима тиббий хулосага асосан энгилроқ ишга ўтказилади, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш нормалари камайтирилади. Ҳомиладор ходимани бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги масала ҳал этилгунга қадар у барча ишга келинмаган кунлар учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилади. Бундай ходимани ишдан ташқари вақтда ва дам олиш кунларида ишга жалб этиш, унинг розилигисиз хизмат сафарига юбориш мумкин эмас. Тунги вақтда ишлаши учун унинг розилигидан ташқари тиббий хулоса ҳам бўлиши лозим (*МК 226, 228-моддалари*).



Айрим ноинсоф компаниялар ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тўлашни хошлашмайди, бунда улар маблағларини ўз ихтиёрига кўра тасарруф этишлари мумкинлигини баҳона қиладилар. Улар учун атайин эслатиб ўтамиз, МК барча мулкчилик шаклидаги ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади (МК 1-м. 3-қ.). Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа тўлаш мажбуриятдан бўйин товлаганлик 10 БҲМдан 15 БҲМгача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жарима қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган тақдирда, 15 БҲМдан 30 БҲМгача жарима солинади (МЖТК 49-3-м.).

Ҳам иш ҳақини, ҳам болани парваришlash нафақасини олиш мумкинми?

Ходима болани парваришlash таътилида бўлган даврида истаган вақтида ишга чиқиши ва ўз лавозим мажбуриятларини бажаришга киришиши мумкин, сабаби унинг иш жойи (лавозими) сақланиб туради (*МК 234-м. 5-қ.*). Иш берувчи ходимага болани парваришlash таътилинини бўлиб ишга чиқишини тақиқлашга ҳақли бўлмайди, чунки бундай таътилдандан фойдаланиш унинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади.

Аввалги иш жойига ишга чиқишнинг 2 та варианты мавжуд: тўлиқ иш кунига ёки тўлиқ бўлмаган иш кунига.



Ҳомиладор, шунингдек 14 ёшга тўлмаган болалари бўлган аёллар тўлиқ бўлмаган иш ҳафтаси ёки тўлиқ бўлмаган иш кунини белгилашнинг талаб қилишлари мумкин. Иш берувчи эса бундай илтимосни қаноатлантириши шарт (МК 229-м.).

Ходима тўлиқ иш кунига ишга чиқадиган бўлса, болани парваришlash таътили ва нафақа тўлаш тўхтатилади. Тўлиқ бўлмаган иш режимида ишлашга қайтилганда, нафақа тўлаш давом эттирилади. Ходима ўз танловига кўра, болани парваришlash таътилида бўлган вақтида у тўлиқ бўлмаган иш вақти шароитида ёки иш берувчи билан келишилган ҳолда уйда ишлаши мумкин. Бунда унинг нафақа олиш ҳуқуқи сақланиб қолади (*МК 234-м. 4-қ.*).

Шу тариқа, ходима туққанидан кейин икки ой ўтгач ишга чиқиши мумкин. У тўлиқ бўлмаган иш кунини ишлашга чиққан бўлса – у иш ҳақи ва болани парваришlash нафақасини олишга ҳақли бўлади. Тўлиқ иш кунини ишланганда – нафақа тўланмайди.

Болани парваришlash таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти шароитида ишлаш меҳнат шартномасига қўшимча битим билан расмийлаштирилади. Унга иш вақти ва меҳнат ҳақи тааллуқли бўлган ўзгаришлар киритилади. Қўшимча битим имзоланганидан кейин тегишли буйруқ чиқарилади.



Патентга бўлган ҳуқуқ

Корхонанинг собиқ ходими илмий ходим лавозимида ишлаб, ўз лавозим мажбуриятларини бажаришда хом ашё ва материаллар, ускуналар, коммунал хизматлардан фойдаланган ҳолда янги маҳсулот яратди. Корхона раҳбариятини хабардор қилмасдан ва рухсат олмасдан ихтиро учун патентни ўзига расмийлаштирди. Кейинчалик ушбу маҳсулот реализация қилинган. Бироқ реализация қилишда зарар кўрилди. Ҳозирги пайтда ходим ФКнинг 1090-моддасини ҳавола қилган ҳолда унга даромад суммасини (ушбу маҳсулотни реализация қилишдан тушумни) тўлашни талаб қиляпти.

Ходимнинг ҳаракатлари қонунийми?

– Мазкур вазиятга тааллуқли барча ҳужжатларни ўрганиб чиқмасдан жавоб қайтаришнинг имкони бўлмайдди. Низоли вазиятларни суд тартибида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ходим ўз хизмат мажбуриятларини ёки иш берувчидан олган аниқ топшириқни бажариш вақтида яратган ихтиро, фойдали модель, саноят намунаси (хизмат ихтиросига) патент олиш ҳуқуқи, башарти бу улар ўртасидаги шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади (ФК 1087-м.). Иш берувчи ва муаллиф ўртасидаги шартномада бу назарда тутилмаган бўлса, муаллиф саноят мулк объектига патентни ўз номига олиш учун ариза тақдим этишига ва патентни олишга ҳақлидир («Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноят намуналари тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси 3-қисми).

Шартномада ушбу шартлар назарда тутилган бўлса, иш берувчи эса муаллиф томонидан яратилган объект ҳақида ёзма шаклда хабар берилган кундан бошлаб 4 ой мобайнида қуйидагиларни амалга оширмаган тақдирда муаллиф ариза бериб патентни ўз номига олишга ҳақлидир:

➢ Интеллектуал мулк агентлигида патент олиш учун ариза топширилмаганда;

➢ ариза тақдим этиш ҳуқуқини бошқа шахсга бермаслик;

➢ тегишли объект сир тутилиши тўғрисида муаллифга хабар бермаслик (Қонуннинг 10-м. 4-қ.).

Барча ҳолатларда иш берувчи шартномада белгиланган компенсацияни патент эгасига тўлаган ҳолда тегишли объектдан хусусий ишлаб чиқаришида фойдаланишга оид мулк ҳуқуққа эгадир (Қонуннинг 10-м. 5-қ.).

Хизмат ихтироси, фойдали модели, саноят намунаси учун муаллифга тўланадиган мукофот пули миқдори, тўлов шarti ва тартиби у билан иш берувчи ўртасидаги келишув билан белгилаб қўйилади. Келишувга эришилмаган тақдирда қарорни суд чиқаради. Башарти муаллиф ва иш берувчининг хизмат ихтироси, фойдали модели ёки саноят намунасини яратишга қўшган ҳиссасини аниқ белгиланиши иложи бўлмаса, иш берувчи олган ёки оладиган фойданинг ярмисига бўлган ҳуқуқ муаллифники деб эътироф этилади (ФК 1087-м. 2-қ.).

Натижада кўриб чиқилаётган вазиятда иш берувчи ва ходим ўртасидаги мавжуд шартномалар ва битимлар шартларини ўрганиб чиқиш, ходим томонидан патент тўғри расмийлаштирилганлиги, патентланган ихтиронинг юридик шахс номидан сотилишининг қонунийлиги, ходимнинг талаблари асослигини ўрганиб чиқиш лозим.

Альберт Сафин,
«Norma» МЧЖ эксперти.

«Бола» пулининг миқдори

Корхонада янги туғилган чақалоғи бор ходима ишлайди. Болани 2 ёшгача парваришлаш нафақаси қандай ҳисобланади?

– Ҳомиладорлик ва туғиш таътили туғанидан кейин ишлайдиган аёллар болани 2 ёшга тўлгунга қадар парваришлаш нафақасини олишга ҳақли, у **ходимнинг аризасига кўра** иш жойидан (нобюджет соҳаларида) тўланади (МК 234-м.; АВ томонидан 14.03.2002 йилда 1113-сон билн рўйхатдан ўтказилган Низом).

Аёллар болани 2 ёшгача парваришлаш таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки уйда ишлашлари мумкин (МК 234-м. 4-қ.).

Ходим томонидан болани 2 ёшга тўлгунга қадар парваришлаш нафақаси миқдори ҳар йили қатъий миқдорда белгиланади. 2020 йилда у 434 000 сўмни ташкил этган (Президентнинг 30.12.2019 йилдаги ПҚ-4555-сон қарорига 2-илова-нинг 2-банди).

Нафақа уни тайинлашни сўраб мурожаат қилинган ойдан, бироқ ҳомиладорлик ва туғиш таътили туғанидан кейин тўланади. Тўлиқ бўлмаган ой учун нафақа ушбу ойда онанинг ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг таътилда бўлган календарь кунлари сонига мутаносиб улушда тўланади (Низомнинг 3-банди).

Аёлга боласи 3 ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил расмийлаштириладиган бўлса, бола 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга бўлган таътил даврида корхона нафақа тўлаши шарт эканлиги қонун ҳужжатларида қайд этилмаган. Болани парваришлаш таътиллари даврида аёлга таътил пули тўланмайди ҳамда унинг иш жойи ва эгаллаган лавозими сақланади (МК 234-м.).

Бола 2 ёшга тўлгунга қадар парваришлаш нафақаси ЖШДСни ҳисоблашда жами даромадга киритилмайди ва унга солиқ солинади (Моннинг 20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон Фармоннинг 9-банди).

Иш берувчи молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган нафақа миқдоридан ошадиган суммани, шунингдек 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган давр учун нафақа тўлаши мумкин. Бироқ бу қонун ҳужжатларига мувофиқ нафақа тўлашнинг мажбурий тартибдаги талаблари ҳисобланмайди ҳамда уларга солиқ солинади.

Азизахон Тошхўжаева,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Қозоғистондаги корхона (МЧШ) Ўзбекистондаги норезидент компания билан тоғ-кон ишларини бажаришга 5 йил муддатга шартнома тузишни режалаштиряпти. Хизматлар Ўзбекистон ҳудудида тақдим этилади, бунинг натижасида доимий муассаса ташкил этилади.

Ўзбекистонда маҳаллий ходимларни доимий муассасага ишга қабул қилиш мумкинми?

Доимий муассаса учун ходимлар

– Ҳа, мумкин.

Ўзбекистон фуқароларини доимий муассасага ишга қабул қилиш қонун ҳужжатларида тақиқланмаган. Ўзбекистон Республикаси фуқарolari, шунингдек чет эл фуқарolari ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари бўлиши мумкин. Корхоналар, шу жумладан, уларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари ўз раҳбарлари тимсолида иш берувчилар бўлиши мумкин (МК 14, 15-м.).

Бундан ташқари, дастлабки меҳнат шартномаси тузилган сана чет эллик шахс томонидан Ўзбекистонда фаолиятни амалга ошириш бошланган сана сифатида қайд этилиши мумкин (СК 36-м. 14-қ. 2-б.).

Баён этилганларни ҳисобга олган ҳолда, доимий муассаса маҳаллий ходимларни ишга қабул қилишга ҳақлидир.

Иш ҳақи бўйича қарзни қайтариш

Иш ҳақи тўланиши кечикканлиги сабабли ходим аввалги иш жойида 2020 йилнинг бошида бўшаган эди. Ҳозирга қадар иш ҳақи бўйича қарзи сўндирилмаган.

Аввалги иш жойидан иш ҳақи бўйича қарзни қандай ундириш керак?

– Иш берувчига, меҳнат инспекциясига ёки судга ариза билан мурожаат қилиш лозим.

Иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган муддатларда тўлаши шарт. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга тегишли барча суммаларни меҳнат шартномаси бекор қилинган кунни ёки айрим ҳолатларда кейинги кунни тўланади. Меҳнат шартномаси бекор қилинган кунни ишламаган бўлсангиз – ҳисоб-китоб қилишни талаб этган кунни тўланиши керак (МК 110, 154, 161-м.).

Шу муносабат билан иш берувчига иш ҳақи ва бошқа тўланадиган суммалар бўйича тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши тўғрисида ариза билан мурожаат этиш лозим. Иш берувчи кўрсатиб ўтилган тўловларни тўла-

маган бўлса, вилоят ёки Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармасидаги Давлат меҳнат инспекциясига мурожаат қилишни тавсия этамиз. Инспекциянинг вазифаларидан бири жисмоний ва юридик шахсларнинг меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқиш, зарурат бўлган жойига чиқиб кўриш ҳисобланади (Низомнинг 8-банди, ВМнинг 31.12.2018 йилдаги 1066-сон қарорига 3-илова). Шунингдек сиз корхона жойлашган жойдаги туманлараро фуқаролик судига тўланиши лозим бўлган сумма тўғрисидаги даъво билан мурожаат қилишингиз мумкин.

Нурали Нурмухамедов,
«Norma» МЧЖ эксперти.


«Икки барабар» таътил пули

Ходим ярим ставкада ишлайдиган иккита иш жойидан бириўла таътил олиши мумкинми?

– Ҳа, мумкин.

Меҳнат шартномаси бўйича барча ташкилотларда асосий иш жойи бўйича ва ўриндошлик асосида ишлаётган ходимлар ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари олишга ҳақлидир (МК 133-м.).

Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими.





Кечиктирганлик учун пеня

Компания-харидор компания-сотувчи билан товар етказиб бериш шартномасини тузган. Сотувчи етказиб беришни 30 кунга кечиктирган.

Харидор етказиб бериш кечикканига норозилик билдирмаса, бунинг учун пеня ундирилмаса бўладими?

– Шартномада қайд этилган шартлардан келиб чиққан ҳолда пеня ундирилмаслик мумкин.

Хўжалик шартномаси учун бир қатор мажбурий шартлар мавжуд, улар кўрсатилганда шартнома лозим даражада тузилган ҳисобланади.

Шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги шартноманинг муҳим шари ҳисобланади («Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси, 1-қисми).

Шартноманинг лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгарлик чоралари, агар шартномада бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса, қўлланилади. Шу боис томонларнинг жавобгарлиги шартномада белгиланади, яъни томонларнинг келишувига кўра пеня ҳисобланмайди. Шунингдек жавобгарлик қонун ҳужжатлари нормаларига ҳавола кўринишида қайд этилиши мумкин. (Қонуннинг 24, 25-моддалари). Амалиётда шартномада «пеня ундирилиши томонларнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади» деб талқин қилиниши мумкин.

Тўлиқ шакллантирилмаган УФни камайтириш

Корхонанинг иккита муассиси бор. Улардан ҳеч бири устав фондига ўз улушини киритмаган.

Қандай вақт мобайнида устав фонди шакллантирилиши лозим? Муассислардан ҳеч бири ўз улушини киритмаса, нима бўлади? Бунда устав фондини камайтириш ва муассислардан бирини алмаштириш мумкинми?

– Ҳар бир иштирокчи таъсис ҳужжатларида назарда тутилган муддат мобайнида устав фондига ўз улушини киритиши лозим, бироқ муддат жамият давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан 1 йилдан ошмаслиги керак. Жамият иштирокчиси исталган вақтда унинг таркибидан чиқишга ҳақли. У жамият иштирокчисига ёки учинчи шахсга ўз улушини сотиши ёки бошқача тарзда бериши мумкин. Жамиятнинг ўзи ҳам чиқиб кетаётган иштирокчининг улушини сотиб олиши мумкин. Жамият иштирокчисининг улуши тўлиқ тўланганга қадар, фақат тўланган қисми бўйича сотилиши мумкин («Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 8-м. 1-қ. 6-хатбошиси, 14-м. 7-қ., 20-м. 3, 5-қ.).

Бир йил мобайнида устав фонди тўлиқ шакллантирилмаган тақдирда, жамият устав фондини унинг тўлиқ тўланган миқдорига камайтирилиши ҳақида маълум қилиши ёки тугатиш

тўғрисида қарор қабул қилиши шарт (Қонуннинг 19-м. 3-қ.).

Лицензияланадиган фаолият тури амалга ошириладиган бўлса, устав фонди миқдори камайтириш чоғида унинг энг кам миқдорига қўйиладиган лицензия талабларини ҳисобга олиш лозим (Қонуннинг 14-м. 2-қ.). Жамият лицензияланадиган фаолият турини амалга оширмаса, устав фонди иштирокчилар томонидан ҳақиқатда киритилган миқдоргача камайтирилиши мумкин.

Жамият тегизи қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан 30 кун мобайнида ўз кредиторларини устав фонди камайтирилганлиги ва унинг янги миқдори ҳақида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт (Қонуннинг 19-м. 6-қ.). Устав фонди камайтирилганлиги муносабати билан янги тахрирдаги таъсис ҳужжатлари қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим (Низомнинг 3-боби, ВМнинг 9.02.2017 йилдаги 66-сон қарорига 1-илова).

Наргиза Вохидова,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Қарзни ҳуқуқий ворис сўндиради

Корхона ходими молиявий қарз олган. Бироқ ходим қарзни пул маблағларининг мавжуд эмаслиги сабабли шартномага мувофиқ муддатда қайтара олмайди.

Қарз шартномасини учинчи шахсга қайта расмийлаштириш мумкинми?

– Ҳа, мумкин.

Қарздор ўз улушини кредиторнинг розилиги билан бошқа шахсга ўтказиши мумкин (ФК 322-м.). Буни ҳисобга олган ҳолда, қарздор бўлган ходим корхона олдидаги қарзини улар ўртасида тузилган шартномага асосан ва олдиндан корхонанинг розилигини олиб (ёзма шаклда бўлгани мақбул) учинчи шахсга ўтказиши мумкин.

Шунингдек уч томонлама келишув тузиш ҳам мумкин, бунда ходим – қарз

шартномаси бўйича қарздор, учинчи шахс – қарз шартномаси бўйича ҳуқуқий ворис (янги қарздор), корхона – қарз берувчи бўлади.

Бундан ташқари, учинчи шахс кафилик шартномасига асосан қарздорнинг ўрнига қарзни сўндириши мумкин, бунда учинчи шахс корхона олдида қарздорнинг кафили ҳисобланади (ФК 292-м.).

Нурали Нурмухамедов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Нотўғри реклама учун жавобгарлик

Фармацевтика компанияси ўз сайтида шифокорнинг рецепти бўйича реализация қилинадиган дори воситаси ҳақида нотўғри маълумотни очик шаклда эълон қилди. Натижада дори воситаси қўлланганда истеъмолчининг соғлиғига зарар етди.

Мазкур фармацевтика компаниясига нисбатан реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари татбиқ этиладими?

– Фармацевтика компанияси томонидан сайтда эълон қилинган маълумот реклама тусида бўлса, унга реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қоидалари татбиқ этилади.

Ушбу қоидабузарлик ишлаб чиқарувчи ёки реклама тарқатувчининг айби билан содир этилган лиги исботланмаган тақдирда, реклама берувчи реклама учун тақдим этилган маълумот матни қисмида реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарликка тортилади («Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддаси).

Нотўғри реклама учун реклама бе-

рувчиларнинг, ишлаб чиқарувчилар ва реклама тарқатувчиларнинг мансабдор шахслари маъмурий жавобгарликка тортилади (МЖТК 178-1-м.).

Кўриб чиқилаётган вазиятда барчаси муайян вазиятга ҳамда истеъмолчининг соғлиғига зарар етказилишига олиб келган ҳаракатларга боғлиқ бўлади. Бу ишлаб чиқарувчи дори воситаси ҳақидаги берган нотўғри маълумот, масалан, реклама тарқатувчининг нотўғри талқини, шифокор томонидан нотўғри ёзиб берилган рецепт, фармацевт томонидан нотўғри сотилган дори воситаси ёки харидорнинг препарат ҳақидаги нотўғри талқини бўлиши мумкин. Барча ҳаракатларга якуний баҳони суд беради.

Ишончномани тўлдиришга бўлган талаб

Электрон ишончномани тўлдиришда ишончли шахснинг барча маълумотлари паспортдагидек лотинча бўлиши мумкинми?

– Лотин графикасида ишончли вакилнинг Ф.И.О. кўрсатилиши тўғридан-тўғри талаб этилиши белгиланмаган бўлмасада, бунга амал қилиш, шу жумладан электрон ишончномада ҳам амал қилиш лозим.

ТМҚни беришда ишончли шахс паспортини кўрсатиши шарт. Етказиб берувчи томонидан ишончномани тўлдирилишида хатолик борлиги аниқлаганда, у товарни бермасликка ҳақ-

лидир (4-сон БҲМС 101-б., АВ рақами 3259, 30.06.2020 й.). Ишончномада кўрсатилган маълумотлар тўғри эканлиги ишончли шахснинг паспортини билан солиштирилиши сабабли ишончли шахснинг Ф.И.О. паспортда қандай бўлса ишончномада ҳам шундай, яъни лотин графикасида кўрсатилиши лозим.

Альберт Сафин,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Иккундлик ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
Уринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Наталя
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўча, 1/1,
Тахририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарининг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш
масалалари бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
(71) 231-07-91 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсатиши – 186. Қўғоз бичими – А3. Ҳақми – 2 босма табоқ. Баҳоиси келишилган нарҳда.
Буюртма 1-922. Адади 545. Газета 2020 йил 28 сентябрь соат 15.00 да топширилди.